Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 88 (5379).
17 АПРЕЛЬ 1984 й.
СЕШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот сифатини ошириш учун социалистик мусобақани кенг авж олдирингиз! 1984 йил планини ва умуман беш йиллик топшириқларини тўла ва ошириб бажарайлик!

(КПСС Марказий Комитети 1 Май Чақириқларидан).

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида

Бу бизнинг ишчилик шон-шарафимиз

«Известия» газетаси (2 февраль) Олмаота ип газлама комбинати тўқувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси, шаҳар Совети депутати Лидия Кочетованинг хатини эълон қилди. У бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш мажбуриятини олиб, енгил саноатнинг барча ходимларини 1984 йил учун олинган социалистик мажбуриятларни шараф билан бажаришга чақирган.

Олмаоталик илғор меҳнатчи аёлнинг бу жўшқин чақириқ хатини Тошкентдаги барча меҳнат коллективларида зўр қизиқиш билан ўқишди.

Кун сайин кўпроқ ишлаб чиқариш пешқадамлари бир беш йилликда икки беш йиллик планини бажариш бўйича ватанпарварлик ташаббусини қўллаб- қувватламоқдалар.

Бугун биз СССР Олий Совет депутати К. Ҳ. Ёқуббоева ва маҳаллий Советларнинг депутатлари — Ш. Р. Рашидов номидаги Тошкент тўқимачилик комбинати ишчилари С. И. Қорабоев, В. В. Эргашева, Ш. Тошматова, «Қизил тонг» ишлаб чиқариш бирлашмаси тикувчи-мотористкаси Л. Н. Мишченко ва «Ташсельмаш» заводи разметкачиси М. Ҳ. Фазлитдинованинг олмаоталик тўқувчи Лидия Кочетованинг ташаббусига қўшилиш ва Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги нишонланадиган йилда меҳнат унумдорлигини ва халқ учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини барча чоралар билан оширишга чақирувчи Мурожаатини эълон қиляпмиз. Бу Мурожаат Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети мажлисида кўриб чиқилган ва маъқулланган.



«БУЮК ПОЧИН» АНЪАНАЛАРИГА САДОҚАТ

Б. КИРОВ РАЙОНИ

ЮКСАК МЕҲНАТ АКТИВЛИГИ

М. КАМОЛОВА,
Киров район партия комитетининг биринчи секретари.

● ЗАРБДОР ВАХТА 790 МИНГ СЎМЛИК САНОАТ МАҲСУЛОТИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИЛАН НИШОНЛАНАДИ.
● 160 МИНГ СЎМЛИК ҲАЖМИДА ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ИШЛАРИ БАЖАРИЛАДИ.
● ЎН БИРИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ФОНДИГА 42 МИНГ СЎМ ЎТКАЗИЛАДИ.

Киров райони меҳнаткашлари В. И. Ленин туғилган кунининг 114 йиллигини юксак сифат ва меҳнат кўтаринкилиги вазиятида кутиб олди. М. Ҳабибуллаевнинг комплекс бригадаси (11-«Висотстрой» трести) 1,7 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришга ваъда берди. Бу смена топшириғидан 20 процент кўпдир.

113 минг кировлик коммунистик шанбаликда иштирок этиш истагини билдирди. Улардан 26 минги корхона ва қурилишлардаги ўз иш жойларида меҳнат қилишади.

Район саноат корхоналарида 36 сеялка, 125 мингга яқин, 102 тонна кондитер маҳсулотлари, 24 эркаклар костюми ва бошқа жами 790 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.


Қурувчиларнинг режалари ҳам салмоқли, 21 апрелда 160 минг сўм ҳажмида қурилиш-монтаж ишлари бажарилади. Шу куни 13-турар жой биноси (Юнусобод массивининг 19-квартали) фойдаланишга топширилади.

Транспорт ташкилотларининг ходимлари 15 минг тонна халқ хўжалик юкларини ортиб, туширадилар, саноатнинг юк ташишга бўлган эҳтиёжини таъминлайдилар.

Жойларда тежамкорлик ҳисоблари очилади, 15 цех, 45 смена ва бригада, 4 мингдан ортиқ ишлаб чиқариш илғори 21 апрелда тежалган хом ашё ва материаллар билан ишлайди. Бунинг ҳисобига 97 минг сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилади.

Саноат, транспорт корхоналари ва қурилиш ташкилотлари ўн биринчи беш йиллик фондига 42 минг сўм ўтказишади. Шанбаликка тайёргарлик районни ободонлаштириш бўйича икки ойлик тадбирлари билан мустаҳкам алоқада амалга ошириляпти. Унда 85,5 минг киши — шу жумладан, студентлар, техникумлар ва ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари, мактабларнинг юқори синф ўқувчилари иштирок этишади.

Меҳнат байрамини идеологик таъминлаш бўйича тадбирлар белгиланди. Барча меҳнат коллективларида шанбалик митинг билан бошланади. Шанбаликнинг бориши кўп нусхали газеталарда, завод радиосида, «Чақмоқ»ларда, деворий газеталарда кенг ёритилади. Шу куни савдо ташкилотлари, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари, бадиий ҳаваскорлик коллективлари меҳнаткашларга намунали хизмат кўрсатишади.





СУРАТЛАРДА: «Ўзбексельмаш» бирлашмасининг пешқадам йиғувчи-слесари Т. Марамов; Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг катта мастери А. Алпатова костюмлар сифатини кўздан кечирмоқда; районнинг бугунги манзараси.

Т. Каримов фотолари.



Шанбалик куни пойтахтнинг Киров райони меҳнаткашлари алоҳида кўтаринкилик билан меҳнат қиладилар. Меҳнат байрамига минглаб кишилар чиқишади. Машинасозлар, тикувчилар, бошқа корхона ва муассасаларнинг ишчи ва хизматчилари ўз иш жойларини эгаллайдилар. Катта ҳажмда ободонлаштириш ишлари бажарилади. Коммунистик шанбалик куни ҳамма энг юқори меҳнат унумдорлигига эришишга интилади.

ҚИЗИЛ ҲОШИЯЛИ НАРЯДЛАР

«Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи коммунистик шанбаликка тайёргин тараддуд кўрмоқда. Меҳнат байрами куни ишчиларга ажратиш учун завод штабининг таклифига биноан қизил ҳошияли махсус наряд бланкалари тайёрланмоқда.

Барча асосий ва ёрдамчи цехларнинг ишчилари ўз сменаларида энг юқори унумдорлик билан меҳнат қилиш мажбуриятини қабул қилдилар. Завод конвейеридан пландан ташқари тайёрланган қишлоқ хўжалиги машиналари учун эҳтиёт қисмлар, рўзғор буюмлари туширилиб олинади. 37 тонна қуйма учун қуйиш мўлжалланмоқда, буюртмачиларга тупроққа ишлов берадиган солувчи 50 та мослама, бешта пахта тозалагич етказиб берилади. Жами 123 минг сўмлик маҳсулот тайёрланади. Машинасозлар нинг планларида катта ҳажмда завод территориясини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини олиб бориш ҳам кўзда тутилган.

Беш йиллик фондига беш минг сўм ўтказилади.

Н. КОРЧАГИНА.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕПУТАТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИ МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРИ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ ШАҲАР ЕНГИЛ САНОАТИНИНГ БАРЧА ХОДИМЛАРИГА

МУРОЖААТИ

Қадрли дўстлар!

Биз ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи меҳнат йилини муваффақиятли бошладик. У шаҳримизнинг барча меҳнатчилари учун янада масъулиятли бўлади. Бу —СССР Олий Советига сайловлар ўтказилган, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг шонли 60 йиллиги нишонланадиган йилдир.

Юбилей йили учун юксак социалистик мажбуриятлар олинди. Шаҳар енгил саноат корхоналари бу йил 789 миллион сўмлик, шу жумладан давлат Сифат белгиси қўйилган 208 миллион сўмлик товарлар ишлаб чиқаради.

КПСС Марказий Комитетининг февраль (1984 йил) Пленуми минбаридан бугун биз халқ хўжалиги барча тармоқларининг тезроқ ва узлуксиз янгиланишини таъминламоғимиз зарурлиги ҳақида даъват янгради. Биз, енгил саноат ходимлари—тўқимачилар, йигирувчилар тикувчилар учун ишлаб чиқаришнинг янгиланиши ҳаётий муҳим масала бўлмоғи лозим. Чунки совет кишиларининг энг зарур товарлар билан таъминланиши чиройли, кўркам ва замонавий кийиниши кўп жиҳатдан бизга боғлиқ.

Кейинги йилларда партия ва ҳукуматимиз енгил саноат корхоналари ишини яхшилаш, уларнинг ресурсларини ошириш учун кўп иш қиляптилар. Чунончи, «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг янги корпуси қурилди, Тошкент тўқимачилик комбинати кенгаймоқда. «Учқун» тўқимачилик-галантерея ишлаб чиқариш бирлашмасини реконструкциялаш бошланмоқда, 2-пойафзал фабрикасида ишлаб чиқариш қайта тузиляпти.

Лекин ҳар қандай ишда ҳам барча нарсани одамлар, уларнинг малакаси, сифатли ва виждонан ишлай билиш лаёқати ҳал қилади. Кейинги йилларда енгил саноат ходимлари, бир неча марта қимматли ташаббуслар билан чиқишди. Бу ана шу тармоқ корхоналарини такомиллаштириш ва ривожлантиришда қудратли омил бўлиб хизмат қилди.

Шаҳримиз депутатлари Олмаота ип газлама комбинатининг тўқувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, шаҳар Советининг депутати Лидия Кочетованинг шу йил февраль ойида «Известия» газетасида «Ишчи шон-шарафи» сарлавҳаси остида босилган хатини қизғин кутиб олишди. Илғор тўқувчи ўз корхонаси коллективининг газлама ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини ошириш бўйича ташаббуси ҳақида ҳикоя қилган. Унинг ўзи бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажаришга аҳд қилди ва ҳамкасблари—енгил саноат ходимларини олинган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажаришга чақирди.

Биз маҳаллий Советларнинг ўарча бўғинлари депутатларига — уларнинг ярмидан зиёди ишчилар синфининг вакиллари — мурожаат этамиз. Бугун сифатсиз халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарилишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Уларни тайёрлаш учун кўп ҳолларда табиий хом ашё — пахта, жун, кўп сарфланади. Агар тайёр маҳсулот харидгир бўлмас экан, базаларда туриб қолар экан, ишлаб чиқарувчига қайтарилар экан, буни хўжасизликдан бошқа нарса деб бўлмайди. Биз шундай меҳнат қилайликки, ишимизнинг самараси кишиларга кувонч бахш этсин.

Қадрли дўстлар! Кўп ишлар қилинди. Лекин қилинадиган ишлар янада кўп. Уларни амалга ошириш, турли резервларни топиш ва ҳаракатга келтириш учун жонбозлик кўрсатиш лозим бўлади. Лекин кенг омманинг ташаббускорлиги, ғайрат-шижоати, меҳнат коллективларининг план топшириқларида кўзда тутилганидан юқорироқ кўрсаткичларга эришиш учун мусобақаси бош ва битмас-туганмас омил бўлган ва шундай бўлиб қолади. Партия ҳудди ана шуни ҳисобга олиб партия, касаба союз ташкилотлари ва меҳнат коллективларини олдига конкрет вазифа —меҳнат унумдорлигини планга қўшимча бир процент ошириш ва маҳсулот таннархини планга қўшимча 0,5 процент пасайтиришга эришиш вазифасини қўйди.

Белгиланган ишларни бажариш учун бизда барча имкониятлар бор. Ажойиб кишилар, ишончли техника, тўпланган тажрибани кенг қўлланиш, меҳнатнинг илғор усулларидан фойдаланиш— буларнинг ҳаммаси 1984 юбилей йилини муваффақиятли якунлаш ва ўн биринчи беш йилликнинг барча планлари ва социалистик мажбуриятларини бажариш имконини беради.

К. ЁҚУББОЕВА, Ш. Р. Рашидов номидаги Тошкент тўқимачилик комбинати тўқувчиси, СССР Олий Совети ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг депутати;

С. ҚОРАБОЕВ, Тошкент тўқимачилик комбинати раклисти, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг депутати;

В. ЭРГАШЕВА, Тошкент тўқимачилик комбинати тўқувчиси, халқ депутатлари Фрунзе район Советининг депутати;

Ш. ТОШМАТОВА, Тошкент тўқимачилик комбинати йигирувчиси, халқ депутатлари Фрунзе район Советининг депутати;

Л. МИШЧЕНКО, «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси тикувчи-мотористкаси, халқ депутатлари Ленин район Советининг депутати;

М. ФАЗЛИТДИНОВА, «Ташсельмаш» заводи 8-цехининг разметкачиси, халқ депутатлари Ҳамза район Советининг депутати.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

СССР Министрлар Совети 1984 йил 28 апрель, шанба дам олиш кунини 30 апрель душанбага кўчиришга ва 1984 йил 29 апрелни иш куни деб ҳисоблашга қарор қилди.

Ишчи ва хизматчилар фойдаланмаган 1984 йил 29 апрель дам олиш куни уларнинг йиллик отпускасига қўшилсин, шу кун учун ҳақ отпуска кунларига тўланадиган ҳақ шаклида тўлансин.

ФОТОАХБОРОТ

Тошкент зилзиладан шикаст кўрган газлилик болаларни саммий кутиб олди. 700 нафар бола Ўзбекистон пойтахтида ўқиб, дам олади. Улар учун «Октябрь 10 йиллиги» пансионати ажратилган.

Зилзила шаҳарга оғир жароҳат етказди. Аммо у одамларни енга олмади. Уларга республикамизгина эмас, бутун мамлакатимиз ёрдам қўлини чўзди. Ёрдам тез ва ўз вақтида етиб келди. Газли ҳозир вайроналардан қайта қад кўтармоқда. Қардошларнинг ёрдами туфайли у янада чирой очади.



СУРАТДА: газлилик болалар Тошкентда. Р. Альбеков фотоси.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

Ўзбекистон ССР Композиторлар союзида оммавий музика жанрлари ва эстрада комиссиясининг йиғилиши бўлди. Унда республикамиз композиторларининг Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига бағишлаб яратган янги музика асарлари муҳокама қилинди.

●

Ҳамид Олимжон кўчасида жойлашган Москванинг «Дружба» уй-жой бинолари комплексида яна тўртта ўн олти қаватли уйларни бунёд этишга киришилди.

●

Бугун соат 17.00 да «Динамо» теннис стадионида теннис бўйича Халқаро IV Тошкент турнирининг тантанали очилиш маросими бўлади. Дастлабки беллашувларда ҳамшаҳарларимиздан В. Богатирёв, А. Ялолов, П. Лебедь, Ю. Иевлев ва Е. Киберева ғалабани қўлга киритишди.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 20 даража иссиқ бўлди. Шу кеча-кундузда ҳаво кам булутли бўлади. Кечаси 12—14, эртага кундузи 28—30 даража иссиқ бўлади.

Йиллик план — муддатидан илгари

Шаҳар индустрияси одими

Шаҳар саноат корхоналари коллективлари В. И. Ленин туғилган кунининг 114 йиллиги, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириб, асосий халқ хўжалиги бўлимларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича 1984 йилнинг биринчи квартали учун белгиланган давлат планини муваффақиятли адо этдилар.

Шаҳар статистика бошқармасининг маълумотига қараганда, саноат маҳсулоти реализация қилиш бўйича январь—март ойларга план 101,7 процент адо этилган. Меҳнат унумдорлиги топшириғи 2,3 процент ортиги билан бажарилди. Натижада қўшимча 21,6 миллион сўмлик товар маҳсулот тайёрлаш мумкин бўлди. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 107,5 процентни ташкил этди, меҳнат унумдорлиги 1983 йилнинг январь—март ойларига нисбатан 6,4 процент ўсди. Ишлаб чиқариш ҳажмининг меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига ўсиши 86,7 процентни ташкил этди.

Маҳсулот етказиб бериш бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши ҳисобга олинганда ҳолда маҳсулот реализацияси плани 98,2 процент бажарилди. Товар маҳсулотини реализация қилиш бўйича январь—март ойлари план 101,7 процент адо этилган. Меҳнат унумдорлиги топшириғи 2,3 процент ортиги билан бажарилди.

Йилнинг уч ойи мобайнида шаҳар районларида саноат ишлаб чиқариши планининг бажарилиши ва ўсиш суръати қуйидаги маълумотлар билан изоҳланади:

Шаҳар районлари	Реализация бўйича планнинг бажарилиши, процентларда		Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати, процентларда			
	1984 йилнинг мартида	1984 йилнинг январь-мартида	Реализация бўйича	Ишлаб чиқариш ҳажми бўйича	Меҳнат унумдорлиги бўйича	Шу йилнинг январь-мартида маҳсулот планга қўшимча реализация қилиш бўйича социалистик мажбуриятнинг бажарилиши процентларда
Шаҳар бўйича	101,7	101,7	104,9	107,5	106,4	138,7
Анмал Икромов район	103,5	101,9	104,9	105,1	104,3	128,3
Киров район	102,2	100,9	105,5	106,3	105,9	79,3
Куйбишев район	102,3	101,5	105,0	105,2	104,1	175,6
Ленин район	102,2	102,2	103,5	105,1	106,0	180,6
Октябрь район	105,3	102,5	104,2	104,9	105,1	151,8
Собир Раҳимов район	103,2	101,6	106,3	107,0	105,8	104,2
Сергели район	103,8	102,5	107,3	105,4	105,2	200,0
Фрунзе район	100,5	100,3	105,9	102,5	101,3	49,1
Ҳамза район	102,2	102,1	102,7	113,5	111,5	146,3
Чилонзор район	107,1	102,7	114,8	110,3	104,4	120,8

1984 йилнинг январь—март ойларида Тошкент саноати планга қўшимча 15 миллион 601 минг сўмлик маҳсулот реализация қилди. Шу жумладан, Акмал Икромов районни 643 минг сўмлик, Киров районни 476 минг сўмлик, Куйбишев районни 2370 минг сўмлик, Ленин районни 2032 минг сўмлик, Октябрь районни 1.516 минг сўмлик, Собир Раҳимов районни 1041 минг сўмлик, Сергели районни 1.361 минг сўмлик, Фрунзе районни 430 минг сўмлик, Ҳамза районни 5.191 минг сўмлик, Чилонзор районни 696 минг сўмлик планга қўшимча маҳсулот ишлаб чиқардилар.

Қуйидаги корхоналар ишлаб чиқариш ҳажмини юксалтиришда энг юксак суръатларга эришдилар:

— «Ўзбексельмаш», «Ўзбекгазпром», «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш, «Силикат», «Тошкент» мебель, «Промстрой комплект», «Матбуот» полиграфия, «Қизил тонг» тикувчилик, «Малика» трикотаж бирлашмалари:

«Ташхимсельмаш», «Компрессор», «Агрегат», подшипник ремонти, «Ташэлектромаш», дурадгорлик буюмлари, сантехника буюмлари, «Ташавтоматика», электр рўзғор буюмлари, грампластинкалар, 2-ёғочни қайта ишлаш, «Эталон», «Средазгазавтоматика» заводлари;

«Ўртоқ» кондитер, қоғоз, упа-элик буюмлари, миллий чолғу асбоблари фабрикалари;

Қурилиш материаллари саноати, 2-уйсозлик комбинатлари, ёғ-мой комбинати, шунингдек «Центрогазэнергоремонт», «Ташгорэнергоремонт» ва бошқа корхоналар.

Шаҳар индустрияси январь—март ойларида СССР халқ хўжалигига планга қўшимча 5 та компрессор, 13 та трактор, 33 та пахта сеялкаси, 25 чанглагич-пуркагич, 97 тонна қоғоз, 83 минг ички ва устки трикотаж буюмлари, 2.616 тонна омухта ем, 380 тонна макарон буюмлари, 332 тонна ўсимлик ёғи, 162 тонна маргарин етказиб берди.

Шу билан бирга биринчи квартал иш якуни бўйича шаҳарнинг 7 корхонаси саноат маҳсулоти реализация қилиш бўйича план топшириғини уддалай олмади. Булар асбобсозлик, химия-фармацевтика, енгил металл конструкциялар заводлари, бактериологик дориворлар ишлаб чиқарувчи корхона, 5-ғишт заводлари бошқармаси, Тошкент ўйинчоқлар фабрикаси, 1-пойафзал фабрикасидир.

Умумхалқ байрами — В. И. Ленин туғилган кунининг 114 йиллиги яқинлашмоқда. Меҳнат коллективлари шу куннинг муҳим масалалари—меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилашга қаратишяпти.

Шу кунларда ленинча коммунистик шанбаликка тайёргарликка алоҳида эътибор бериш лозим. Жойларда — бригадаларда, цехларда, корхоналарда моддий-техник ресурсларни омилкорлик билан сарфлаш лозим, токи «Қизил шанбалик» куни иложи борича кўпроқ маҳсулотни тежалган материаллар, хом ашё, ёқилғи, электр энергия ҳисобидан ишлаб чиқариш, кўпроқ қурилиш-монтаж ишларини бажариш мумкин бўлсин.

Янгилик! Хабарингиз борми?

«МТЗ—100» синовдан ўтяпти

СССРнинг 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Озиқ-овқат программасида қишлоқ хўжалигни техника даражасини, айниқса трактор ва машиналарнинг қувватини, мустаҳкамлигини ошириш масаласи алоҳида таъкидланади. Партиямизнинг бу муҳим ҳужжатига тошкентлик тракторсозлар амалий жавоб бермоқдалар. Тинмай изланиш, ютуқлар билан чегараланмай, олға интилиш ўз самарасини беряпти. Мана СССР 50 йиллиги номли «Тошкент трактор заводи» бирлашмаси конструкторлари 22-тажриба -эксперименталь цехи ишчилари билан ҳамкорликда 100 от кучига эга бўлган «МТЗ—100» трактори нинг дастлабки нусхасини яратдилар. Ҳозир бу ягона конструкция Қибрайдаги тажриба-эксперименталь базасида давлат синовидан ўтмоқда.

Биринчи совет трактори 1924 йилнинг 1 майида Ленинграддаги «Красный путиловец» заводи дарвозасидан кенг далага йўл олган эди. Ана шу дастлабки трактор билан ҳозирги тракторларни солиштирсак, ўтган 60 йил мобайнида совет тракторлари нақадар такомиллаш г а н л и г и нинг гувоҳи бўламиз. Буни тасаввур этиш қийин эмас.

Совет тракторлари ҳозир жаҳон бозорида харидоргир бўлиб қолган. Англиялик Джо Бенсон: —Совет тракторлари мустаҳкам ва ишончли, улар ҳар қандай ишни бажара олади, жаҳоннинг энг яхши тракторларидан ҳам устун туради»,— деб таъкидлаган эди. Франциялик В. Русселъ эса:— Мен «Беларусь» тракторини харид қилиш учун ўзимнинг бошқа маркадаги тракторимни сотиб юбордим,—дейди...

«МТЗ— 80Х» трактори эса республикамиз колхозларидан бирида синовдан ўтаётганида қизиқ воқеа бўлган. Такомиллаштирилган машина синовдан ўтаётганида механизатор йигитнинг янги тракторга ўта ишқи тушиб қолади. Конструкторлар синов тугагач, тракторни олиб кетмоқчи бўладилар. Механизатор йигит эса тракторни бермайман, у менга жуда ёқиб қолди, бу менинг орзуим эди, деб қаттиқ туриб олади...

Ҳа, тракторлар авлодининг ҳозирда яратилган янги конструкцияси битта ўша механизатор йигитнинг эмас, бу кўпчиликнинг орзуси. Орзу бўлганда ҳам «мовий орзу» эди. У фақат корпусининг шу рангда бўлганлиги учун шундай ном олган эмас. У шу кунниг барқ урган, қулф урган далаларда тер тўкаётган бобо деҳқоннинг орзусидир...

Ҳозир «Тошкент трактор заводи» конвейеридан 60 ва 80 от кучига эга бўлган «МТЗ — 80Х» ва Т28Х4М» маркали тракторлар тушириб олиняпти. Бир кунда бош конвейердан юздан ортиқ ана шундай тракторлар тушади. Ҳадемай, 1985 йил охирига бориб кўпдан бўён кутилаётган «мовий орзу» — «МТЗ—100» маркали тракторини тушириб олиш кўзда тутилмоқда...

— Мана (суратда) унинг дастлабки тажриба нусхаси яратилди,— дейди биз билан суҳбатда бирлашма партком секретари ўринбосари Комолтой Бегалиев. — Ҳозир Қибрайдаги тажриба-эксперимен т а л базада давлат синовидан ўтяпти. Конструкторларимиз камчиликларни аниқлаб, уни такомиллаштирадилар...

Янги тракторнинг кабинаси ҳам диққатга сазовор. Унда механизаторнинг орзулари мужассамлашган — комфортабелли қилиб ишланган юмшоқ ўриндиқ механизаторнинг бўйига қараб мослаштирилади: орқа, олдига ва тепага сурилади. Бошқариш приборлари, ричаглари қулай ва ихчам. Кабина ёзда ва қишда мўътадил иқлимни сақлайди...

Ҳа, ҳозирги замон қишлоқ хўжалигида бундай қудратли тракторларнинг ўрни катта. Улар ёрдамида ҳар қандай оғир дала ишларини бажариш мумкин бўлади. Тракторнинг янги модификацияси кенг қаторли ғўза ораларига ишлов беришда жуда қўл келади. Бу ҳозирги замон пахтачилигида ҳал қилувчи куч-дир.

Шу кунларда тошкентлик тракторсозлар ана шу қудратли тракторни ишлаб чиқариш учун қизғин тайёргарлик кўряптилар. Улар йилнинг биринчи кварталини барча техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли уддаладилар. Ҳеч шубҳа йўққи, беш йиллик охирига бориб «ТТЗ» маркаси қўйилган «МТЗ—100» тракторлари бирлашма бош конвейеридан тушади.

Т. ТОШЕВ.

* * *





СУРАТЛАРДА: 100 от кучига эга бўлган «МТЗ—100» янги тракторининг тажриба нусхаси; ҳозирда конвейердан тушаётган «Т28 Х4М» трактори.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЎЗЛАШТИРИЛДИ

СОФИЯ. Л. Тажер номли Русе химия комбинати асосий ишлаб чиқариш чиқиндиларидан цемент қопламаларни, фаянс плиталарни ва кийим-кечакни ювиш учун янги химиявий препарат ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Ишлаб чиқилган технология маҳсулот таннархини камайтириб, ишлаб чиқариш рентабеллигини оширибгина қолмай, атроф-муҳит ифлосланишининг олдини ҳам олади.

Чиқиндилардан оқилона фойдаланишнинг ана шундай тажрибаси республика химия саноатининг бир қанча бошқа корхоналарида ҳам тўпланди. Врачеда масалан, газ чиқиндиларидан олтингугурт ҳосил қилиш методи ишлаб чиқилди. Ана шу моддалар тегишли суратда қайта ишланганидан кейин фармацевтика саноатига юборилади. Бунинг учун болгар мутахассислари яратган қурилма худди шундай, лекин анча қиммат турадиган ускуналарни чет эллардан харид қилишдан воз кечиш имконини берди.

● АВИАЦИЯ БАЙРАМИ ПАЙТИДА

Лос-Родеосдаги (Канар оролларн) авиация байрами пайтида юз берган фалокат туфайли тўрт киши ҳалок бўлди ва саккиз киши жароҳатланди. Ҳаво акробатикаси бўйича Испания чемпиони А. Жил бошқарган спорт самолёти учаётган пайтида бошқарувни йўқотди ва томошабинлар устига ағдарилиб тушди.



Прессенсбильд агентлигининг хабар беришича, Стокгольмдаги «Скансен» ҳайвонот боғи маъмурияти бу ерга келтирилган яшчикларни очганда ҳайрон қолишди: улардан бир-бирига ўхшаш 119 та тошбақа болалари ҳар ёққа тарқалиб кетди.
Прессенсбильд — ТАСС фотоси.

ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИ ВА ПОЙТАХТЛАРИДА

ПРАГА. Брно шаҳрида ташкил қилинган «Агрометсервис» ташкилоти Чехия Социалистик Республикасидаги энг катта қишлоқ хўжалик кооперативлари ва давлат хўжаликларида планлаштириш ва суғориш ишларини ўтказиш вазифасини бажаради. Ташкилот электрон-ҳисоблаш техникаси ёрдами билан атмосферада ва тупроқдаги термодинамик жараёнларни таҳлил қилиб беради. Мутахассислар ёғин-сочин миқдори ҳақида олинган маълумотлар асосида далаларни суғоришнинг энг қулай нормаларини белгилаб беради.

* * *

БУДАПЕШТ. Венгриянинг Айка шаҳридаги глинозем ва алюминий ишлаб чиқарадиган завода янги экспериментал цех қурила бошланди. Цех Совет Иттифоқи мутахассислари ишлаб чиққан технология асосида барпо этилмоқда. Янги цех корхонага глиноземни қайта ишлаш жараёнида вужудга келадиган галлия ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш имконини беради. Бу нодир металл халқ хўжалигининг турли тармоқларида, жумладан электроникада кенг қўлланилади. Ҳозирги вақтда Айкада йил сайин 3 минг килограммдан зиёд галлия ишлаб чиқарилмоқда, унинг асосий қисми экспорт қилинмоқда.

* * *

ҒАРБИЙ БЕРЛИН. Ғарбий Берлин немис касаба союзлари бирлашмасининг раиси М. Гагельс «Сименс» концерни ишчи ва хизматчилари ҳузуридаги ўтказилган митингда нутқ сўзлаб, Ғарбий Берлин экономикаси ишсизларнинг тобора кўпроқ ортиши ва пул қадрсизланиши суръатларининг доимо ўсиши билан характерланади, деди. Корхона эгалари ўтказаётган капиталистик «ишлаб чиқаришни рационализация қилиш» сиёсати, деб уқтирди касаба союз раҳбари, меҳнаткаш халқ гарданига оғир юк бўлиб тушмоқда. Ишсизлар армияси рекорд даражага — 87,5 минг кишига етди, бу эса бутун ишга яроқли аҳолининг 10,9 процентини ташкил қилади.

Митинг иштирокчилари қўшимча иш жойларини вужудга келтириш, иш шароитларини яхшилаш ва иш ҳақини ошириш юзасидан конкрет чоралар кўришни Ғарбий Берлин сенатидан талаб қилдилар.

* * *

БОНН. Мангейм, Штутгарт, Карсруэдаги заводларда бошланган қисқа муддатли огоҳлантириш забастовкаларида металлистлардан 2.000 дан кўпроқ киши қатнашди. Ишчилар иш ҳақининг оширилишини, иш кунининг қисқартирилишини, меҳнат шароитларининг яхшиланишини талаб қилмоқдалар.

ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИ ВА ПОЙТАХТЛАРИДА

ПРАГА. Дубницадаги оғир машинасозлик заводининг меҳнатчилари «СССР буюртмалари ўн ойда бажарамиз» деган мажбурият қабул қилдилар. Ўрта Словакиядаги ана шу корхона коллективи комбайнлар, қурилиш ва йўл қурилиши машиналари учун деталлар ва узелларни етказиб беришдан иборат бу йилги планини муддатидан илгари бажаришдек интернационал ташаббус билан чиқди. Беш йилликнинг тўртинчи йилида маҳсулот етказиб бериш ҳажми 40 процент кўпайиб, қарийб 47 миллион сўмликни ташкил этади. ЧССРнинг кўпгина меҳнат коллективлари СССР озиқ-овқат программаси учун бу йил Совет Иттифоқига машина ва ускуналар етказиб беришни муддатидан илгари ва юқори сифатли қилиб бажаришга қарор қилдилар. Чунончи, Брнодаги Б. Шмераль номли машинасозлик заводининг меҳнатчилари совет озиқ-овқат саноати учун планга қўшимча равишда битта автомат линия жўнатади. Тренчиндаги станоксозлик заводининг коллективи совет буюртмаларини 5 ноябргача бажариш мажбуриятини олди. Хотеборждаги машинасозлик корхонасининг коллективи сут заводлари учун машина-ускуналар комплектини СССРга муддатидан олдин юборади.

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ

БУДАПЕШТ. Дунай металлургия комбинатининг пўлат эритувчилари янги технологияни қўллаб, ишлаб чиқариш жараёнидаги «танг жойлар»ни тугатдилар. Проблеманинг моҳияти шундаки, комбинат конвертор пўлати ишлаб чиқариш учун талаб қилинганидан кам миқдорда чўян эритмоқда. Етишмаган чўян темир-терсак билан қопланади. Лекин бу ҳол тўлдириладиган металл ҳароратининг пасайишига олиб келганлиги сабабли унга кокс қўшишга қарор қилинди. Янги методдан фойдаланиб ҳозирдаёқ 200 минг тонна пўлат эритилди. Дастлабки тажриба чўянга кокснинг қўшилиши пўлат сифатини оширганлигини кўрсатди.





ФОТОКАЛЕЙДОСКОП

● **Стокгольмдаги «Скансен» ҳайвонот боғида ҳушхабар тарқалди. Австралия жониворларн омласида янчкинтой дунёга келди, унн Плуто деб атадилар.**

СУРАТЛАРДА: аквариум директори Жонас Вальстрем Плуто билан.

Унинг кўкрак чўнтагида Плуто ўзинн хавфсиз сезмоқда.

АҚШ. Бу жирафа Балтимор шаҳрн ҳайвонот боғнда дунёга келган бўлиб, яхшн ўсмоқда.

Прессенсбильд — ЮПИ — ТАСС фотолари.

БУЛУТСИЗ ОСМОН

Ер юзида ... жойлар борки, ... ёмғир сира ... Осиё ва Африканинг ... лимн континентла... сн ниҳоятда қуруқ ... ган чўл-биёбонлар... булут камдан-кам ... бўлади. Онда-сонда ... қан ёмғир ҳам ... тушмай бугланиб ... ди.

ОЛТИ ЭГИЗАК

Гамбургдаги (ҒФР ... дицина ҳамширас... йўла олти фарзанд ... ўғил ва икки қиз ... Чақалоқлардан бири ... оғирлиги атиги ... грамм. Қолганлари ... 1,12 дан то 1,44 ... граммгача етади.

Она ва болалар... уч нафари Гамбург ... верситети клиникаси... қолган уч чақалоқ ... Рольштедтдаги ... клиникага жойлаштирилган... ганди. Улар бу ... узоқ муддат мутахасс... ларнинг доимий назо... тида бўлишди.

АРЗИГУЛИК ҲАЙКАЛ...

Испаниянинг Сан... дер шаҳри муниси... ҳукумати ўзларининг ... лоят марказлашган ... туристлар билан ... гавжум қилиш мақсад... да узоқ вақт бош ... тирдилар. Аммо ... Бискай кўрфази соҳи... дагн мазкур порт ... ҳарни диққатга сазо... бўлишдан дарғ ... Шу боисдан мар... майдони жилла бўяш... арзигулик монумент ... лан безашга қарор ... линган эди. Аммо ... дай монумент ... Бу муаммо шаҳар ... барларини қийна... га солиб қўйди.

Сантандердаги ... сиёсий партиялар ва ... моат ташкилотлари ... лажак ҳайкал учун ... дий образ тарзид... номзодларнин ... тақдим этишади. Бу ... ганлар соғлиқдаги ... гирнинг „ ҳайкали ... натишга қарор ... ларнда хавфсиз... пир бўлди.

Одамлар учун ... зарур бўлган бу ... хўжалиги ҳайкал... бронзадан ишланг... горлигини яратиш ... далиллар етарли ... Ахир айнан сут ... риш ва сут маҳсул... ри билан савдо ... туфайлигина ... нинг шуҳрати ... нинг бутун ... вилоятидан ташқ... ҳам довруг қозо...

НОМАЪЛУМ МУДДАТГА КЕЧИКТИРИЛДИ

Америка ЮТА ... университети ... марказн ... хабар беришча, ... ция йўли билан ... организмига ... юракни кўчириб ... зишни амалга ... номаълум муддат... чиктирилди.

Кларк организмга ... рация йўли билан ... ний юрак ўтказилган, ... дан уч кундан сўнг ... ҳаётдан абадий кўз ... ган. Шу ҳақдаги ... кўриб чиқилгач, ... даги қарорга ...

Бу методнинг ... пи эканини тасди... даъват этувчи ... тадқиқотлар ўтказ... операциялар қайта ... ланади.

ЖАСОРАТ КЎРСАТИШГА ЖАЗМ ЭТДИ

Япониялик профес... нал тог чанғиси спор... си Юнтиро Мнура ... кам жасорат кўрсат... жазм этди. У чанғи... Антарктиданинг ... чўққисидан Маунт ... сон тоғларидан туши... мўлжаллаб турибди. ... ёшли Мнура бундай ... ландликлардан ту... бўйича етарли тажриба... эга. 1970 йили Эверес... нинг мангу қорликлари... да чанғисининг изи қо... ган. Рейтер агентли... нинг хабарига қарағ... Япония экспедицияси ноябрь ойида Антарктида Маунт Винсон ... ландлигн 5,140 метр ... чўққисн пойга йўли ... ди. Чўққига кўтарилиш ... Мнура узунлиги 12 ки... лометр бўлган трасс... бўйлаб қайтиб тушди.

ҒАЛАТИ ВАСИЯТНОМА

Миланлик Джу... Портн ўзининг бут... ҳаётн давомида шар... дагн замонавий тр... порт воситаларнн ... шн кураш олиб бор... У вафот этгач, қолд... ган васиятномаси ... кўрилганда, бойлнк... маълум қисмини ... лик сўнгги ун ара... кашга ҳам қолдир... лигни маълум бўлди.

Бу пулларга ... аравакаш ҳам... машина сотиб олишга

«ОҚШОМ» ГАЗЕТАЛАРИ САҲИФАЛАРИДА

ЎЗБЕКИСТОНГА БАҒИШЛАНАДИ

Қирғизистон пойтахти меҳнатчилари Қирғизистон ССР ва Қирғизистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига дўстлик вахтасини юксак кўтаринкилик билан ўтказмоқдалар. Улар Белоруссия ССРга бағишланган икки ҳафталик босқични меҳнатда салмоқли ютуқлар билан нишонлашди. Ҳозир қардош Ўзбекистон шарафига вахтанинг янги босқични бошланди. «Вечерний Фрунзе» газетаси шу ҳақда ёзади:

«Узбексельмаш» бирлашмаси ўнинчи беш йиллиқда ва ўн биринчи беш йилликнинг уч йили мобайнида Қирғизистонга 2600 тадан зиёд пахта сеялкалари, кўплаб пахта тозалаш машиналарн ва бошқа техника юборди. Қирғизистонли к л а б «Таштекстильмаш» заводи билан ишончли алоқа боғлашган бўлиб, бу завод Қирғизистон жунмовут газламалар комбинатига ва Ўш шойи комбинатига турли маркадаги тикувчилик машиналарн етказиб беряпти.

* * *

Тошкентликлар кучли зилзладан кейин уларга бутун мамлакат қаторн яқин кўшинларн — қирғизистонликлар ҳам ёрдамга келганини ҳамиша ёдда тутишади. Тошкентда қирғизистонлик қардошлар томонидан бир қанча ажойиб бинолар қурилган бўлиб, улар ўзлари ҳақида яхши хотира қолдиришган.

ПАХТА УЧУН «ТЎН»

«Вечерний Киев» газетаси Ўзбекистон пахтакорларининг ғоят муҳим буюртмаси бажарилганн тўғрисида хабар қилади. Буюртманн «Львовхимсельхозом а ш» бирлашмасининг ихтисослаштирилган бош конструкторлик бюроси коллективи бажардн.

Бу ерда пахта чигитнн экиш олдидан ишловдан ўтказувчн автоматлашган линия яратилдн. Шундай жиҳозининг дастлабки комплекти Ўрта Осиёга жўнатилдн.

Еттита асосий агрегатдан иборат бўлган линия ҳар бир уруғнн торф, тупроқ ва бошқа компонентлардан таркиб топган «тўн»га ўрайдн. Шундан кейнн ҳар бир чигит ҳашаротлар ва касалликларга қаршн химиявий ишловдан чиқарилади. Махсус машина чигитларнн қадоқлайдн ва идишларга жойлайдн.

• Шаҳримиз обод ва кўкаламзор бўлсин

ҲАММАМИЗ ҲИССА ҚЎШАЙЛИК

Анъанага кўра шаҳримизда ҳар йили ўтказиладиган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги давом этмоқда. Ҳамшаҳарларимиз ҳаракатга тушиб ариқ ва зовурларни тозалаб, кўчат ўтқазишга киришиб кетишди. Турар жойларни, кўча ва хиёбонларни кўкаламзорлаштириш шаҳримиз архитектурасинигина безаб қолмасдан ўлкамизнинг иссиқ саратон вақтида ҳаммамизга соя-салқин, ҳузур бағишлайди. Шуни айтиш керакки, фақат кейинги беш йил ичида шаҳримизда 13,5 миллион дарахт ва яшил тўсиқ ўтқазилди. Шу даврда 400 та янги хиёбон барпо этилди. Сув оқадиган каналлар ва ариқлар бўйида 12 гектардан ортиқ майдон ободонлаштири л и б, минглаб дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Чилонзор массивидаги «Дўстлик» боғи эса ҳашар йўли билан барпо этилди. Бугунги кунда унинг яшил майдони 30 гектарни ташкил этади.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги нишонланадиган йилда шаҳримиз кўрки янада чиройли бўлади. Фақат шу икки ойлик мобайнида 1 миллион 398 минг дона дарахт ва яшил тўсиқ, 5 миллиондан ортиқ ранг-баранг гул кўчатлари ўтқазилади. Бундан ташқари шаҳримиздаги массивларда 24 та янги хиёбон барпо этилиб, кўкаламзорлаштирилади.

Кўкаламзорлаш т и риш ишларида қўлланиладиган дов-дарахт турлари, бута, лимон ва ҳар хил гуллардир. Бу дарахт ва буталар қаторига лола дарахти, минкоран акацияси, тукли липа, дурагай хило —катальпа, корпус, қандли заранднни киритиш мумкин. Тошкентимизда сони жиҳатидан қирқим қарағайи ва оддий қарағайлар анча кўпайди. Улар савлат тўкиб, ўсиб турган жойлар гўзаллашиб, меҳнаткашлар мириқиб дам олиши учун ёқимли иқлим шароитни яратади. Булардан ташқари ҳиёбон ва боғларни иқлимлаштиришда лола дарахти, тукли липа кабилар диққатга сазовордир.

Инсон гўзаллик яратади, ундан баҳра олиб, янги иш куни учун ҳам гулзорлар, ҳосил қилади. Шунинг учун ҳам гулзорлар хиёбонлар, боғ-роғлар кўзга дам, кўнгилга ором беради. Шундай экан кўчат ўтқазишда «Қўлдан ўтказиб эгасига етказинг» қабилида иш тутмаслик керак. Ҳар бир кўчатларни сув борадиган жойларга ўтқазсак мақсадга мувофиқ бўлади. Бу ишда фақат ободонлаштириш Бош бошқармасининг хизматчиларигина эмас, ҳаммамиз актив иштирок этсак, гўзал Тошкентимизни коммунистик меҳнат, юксак маданият, намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳарга айлантиришга ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Ҳ. ҲАБИБУЛЛАЕВ.

Баҳор юмушлари


ҲОСИЛИ МЎЛ БЎЛАДИ

Инсоннинг энг яқин дўсти яшил бойликдир. Шуни айтиш керакки, ҳар бир кўчат ўзининг биологик хусусиятига кўра ривожи ва аҳамияти турличадир. Кўчат ўтқазишдаги шартшароитларга кўра уларнинг парвариши, ҳосили ҳам хилма-хил бўлади. Кўчат ўтқазишда аввало чуқурча тайёрланади. Чуқурчанинг бўйи дов-дарахтнинг тури, навига кўра 40 —50, 60—70 сантиметр, эни эса 50—60 сантиметр бўлиб, тупроқнинг сиртқи қисми бир томонга, остки қисми иккинчи томонга қўйилади.

Кўчат ўтқазишда чуқурга 1 килограмм чамаси чиринди гўнгни тупроққа аралаштириб, сўнг устига кўчатни қўйиб, олдин сиртдан олинган тупроқ, сўнг остки қисмидан олинган тупроқ билан чуқур тўлатилади. Экиш олдидан тупроқда нам етарли бўлмаса суғорилади. Кўчат учун гайёрланган чуқурчаларнинг оралиғи мевали дарахтнинг навига кўра —олмага 8х8 — 10х10 м, олча, олхўрига 6х6 м, нокка 10х10— 12х12 м, шафтолига 6х6 — 7х7 м, жилонжийдага 8х8 м, беҳига 6х6 м, анорга 5х5 м, анжирга 7х7 м, кўк-султонга 8х8 м, ўрикка 12х12 м, ёнғоққа 10х10 —16х16 м, бодомга 6х6 м, писта га 7х7 м, шотутга 12х12 м, гилосга 12х12 м, узумга 2х2 — 3х3 метрга қадар масофа ажратилади. Ҳар бир кўчатни ўтқазишдан олдин илдиз, новдаларини кузатиб чиқилади, синган, шикастланган қисми қирқиб ташланади.

Республикамиз з д а турли турдаги кўчатларни ўтқазиб, юқори ҳосил олишда ҳамма имкониятлар бор.

М. ТЎЙЧИЕВ,
биология фанлари кандидати.



Баҳор келиши билан пойтахт кўчаларн янада чирой очади. Турар-жой кварталларн, маҳалла комитетларн томонидан ҳашарлар уюштирилиб, кўчалар ободонлаштирилади. Шу кунларда пойтахтда кенг кўламда ободонлаштирнш ишларн амалга оширилмоқда.

СУРАТДА: Юнусобод массивидаги «Универсам» савдо маркази қаршисида қад кўтарган янги турар жой биноси. Шу кунларда ушбу бино атрофи жадал суратда ободонлаштирилмоқда.

Ҳ. Мирзакаримов фотолари.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ГА ХАТЛАР

Ким топиб беради?

Мен Лисунов кўчаси, 1-квартал, 29-уйнинг 15-квартирасида истиқомат қиламан. Бизга 89-алоқа бўлимидагилар хизмат кўрсатишади. Газета ва оммабоп журналларнинг ҳамма сонларини олиб турaман. Лекин иш юзасидан ҳар йили обуна бўладиган бир неча илмий журналларнинг ҳамма сонларини ҳам олавермайман.

Ўтган йилги ололмаган журнал сонларини топиб беришларнн сўраб яқинда алоқа бўлимига учрашсам, у ердагилар: «Ҳали бизлар бу журналларни олганимиз йўқ» деб елка қисишади. Улар елка қисиб «билмадим» деб ўтираверишса ололмаган журналларимни ким топиб беради!

Т. ЙЎЛДОШЕВ,
Узбекистон ССР Фанлар академиясининг «Кибернетика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси лабораторня мудири.

Нега йўқотишади?

Мен ҳар йили бир неча газета ва журналларга обуна бўламан. Уларнинг ичида энг севиб ўқийдиганим «Изобретатель и рационализатор» журналидир. Бу журналда муҳим техника янгиликлари ва муаммолар ёритилади. Лекин ўтган йили ана шу журналнинг фақат 10 сонини олдим. Ноябрь, декабрь ойида чиққан сонларини топиб беришларини сўраб шу йилнинг 14 январь куни 132-алоқа бўлимига бориб учрашганимда, стол қутисидан 11 сонини олиб беришди ва 12-сонини олиб бориб берамиз, деб ваъда қилишди. Мен 11 февраль куни яна алоқа бўлимига бориб учрашдим. Лекин улар ўтган йилги 12-сонини йўқотишганлигини, бу йилги биринчи сонини олиштмаганлигини айтишди. Бу алоқа бўлимида тартиб-интизом борми ўзи!

Ж. ЭШОНХЎЖАЕВ,
5-проезд Дурбек, 15-уй.

Ҳалигача олганимиз йўқ

Ўтган йили «Саодат», «Фан ва турмуш», «Тошкент оқшоми» журнал ва газеталарига ёзилган эдим. Ҳалигача бирон та сонини олганим йўқ. Бизга хизмат кўрсатадиган 106-алоқа бўлимига уч маротаба учрашдим. У ердагилар «Журнал ва газетангизни юборамиз» деб ваъда беришади-ю, лекин бажаришмайди. Улар қачонгача бизни алдашади!

Х. АШУРОВ,
Бирлик массиви, 42-уй, 2-квартира.

Сут ўрнига... пиво

Бундан бир неча йил бурун Акмал Икромов районидаги 26-квартал бошида газета дукони бўларди. Нима бўлди-ю, уни бошқа жойга «узатиб» юборишди. Бу ерда яшовчи аҳоли газета харид қилиш учун «Фарҳод» бозорига қатнайдиган бўлди.

Яхшигина ишлаб турган газета киоскаси ва ундан кейин яна кўчирилган сут дўкони ўрнига бирданига иккита пивохона ўрнатилди. У ерда доим одам гавжум, қийқирик. Сут ёки газета ва конверт излаб бозорга қатновчи аҳолининг бу ердан ўтишга юраги бетламайди.

Р. ТЎЛАШЕВА,
26-квартал, 10-«а» уй, 22-квартира.

Киоска бор, лекин...

Ўтган йили ёз ойида Чилонзордаги «Шарқ тонги» кўчасига газета киоскаси ўрнатилганида аҳоли жуда қувонган эди. Аммо афсуски, бекорга қувонишган экан.

Ийл бўйи киоска қуруқ савлат тўкиб турди. Шошқалоқ одамлар унинг атрофини айланиб ичига мўралаб юришди. Лекин газета дўконнинг, ичи бўм-бўш, у ҳали очилмайдиган кўринади. У бу йил ҳам ишга тушмаса бошқа жойга кўчириб оборнб қўйиш керак. Йўқса гап кўпаяди. Бунга Чилонзор район «Союзпечать» агентлиги раҳбарлари нима дейишаркин.

Ю. ТОЛИПОВ,
«Шарқ тонги» кўчаси, 3-уй, 5-квартира.

Ўзлари ҳам ҳайрон

Биз обуна бўлган газеталаримизни гоҳи кунлари киоскадан сотиб олишга мажбурмиз. Чунки 81-алоқа бўлими ходимлари уларни ўз вақтида тарқатишмаяпти. Жумладан «Тошкент оқшоми» газетасини икки кунда бир, гоҳида эса ҳафтада бир марта оламиз.

Алоқа бўлими раҳбарлари кўпчилигимизни танийди. Сабабн гоҳи кунлари ўзимиз почтага қатнаб, газета ва журналларимизни олиб келамиз. Уларга эътирозимизни айтсак, пинагини ҳам бузишмайди. Шундай экан обуна бўлишнинг нима зарурияти бор десак, елка қисишади.

М. ОБИДОВА,
Дилхуш кўчаси, 2-проезд, 37-уй.



Тинч океанда хизмат қилувчи 1-класс ҳарбий учувчи подполковник С. Чурилов 35 ёшида Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган эди. Коммунист Чурилов икки марта ўта қийин аҳволдан чиққан.

СУРАТДА: Совет Иттифоқи Қаҳрамони подполковник Юрий Иванович Чурилов дўстлари билан.

ТАСС фотохроникаси.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони таъсис этилганлигининг 50 йиллигига

Қаҳрамонлар номини бутун мамлакат билади

Бугун ярим аср муқаддам, 1934 йил 16 мартда СССР Марказий Ижроия Комитетининг қарори билан мамлакатда олий мукофот — Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони таъсис этилди. Бу унвон Олий Совет Президиуми томонидан шахсий ёки коллектив жасорат учун берилади. Ҳозир Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари сони 12,5 минг кишидан ошиб тушди.

Мурманскдан Владивостокнача Шимолий океан йўли орқали бир неча йўлни ўтишга аҳд қилган «Челюскин» сузиб пароходи рейсининг катнашчиси Берингни кечасида музлар орасида олиб кетди. Кейинчалик пароходни музлар 1934 йил 13 февралда уни сувга ғарқ қилди. Машҳур қутб исследователи Отто Юльевич Шмидт бошчилигидаги илмий экспедиция кемани ва аъзоларини олиб бораётган музлар устида қолиб кетди. Челюскинчиларни қутқариш ишлари мамлакатнинг энг машҳур қутб учувчилари Водопьянов ва Слепнев раҳбарлигига келишди. Улар 5 марта парвоз қилди. Шундан фақат 5 кунигина лагерини учирдилар. Муз устидан 13 марта учиб, ўн аёл ва икки қиз [бу қизлар — Александр Покришкин ва Иван Кожедуб уч марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлдилар. Масалан, Иван Кожедуб 330 марта жанговар парвоз қилди. 120 марта ҳаво жангида қатнашди ва фашистларнинг 62 та самолётини шахсан ўзи уриб туширди. Машҳур ҳарбий қўмондон, маршал Георгий Константинович Жуков тўрт марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони бўлди.

Иккинчи жаҳон уруши даврида бир қанча чет эл гражданлари совет кишилари билан ёнма-ён туриб, фашизмга қарши мардона кураш олиб бориб, Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлганлар. Улар орасида Нормандия-Неман полкининг француз учувчилари — Марсель Альберт, Ролланде ла Пуап, Жак Андре, Марсель Лефеврлар бор эди.

Урушдан кейинги йилларда Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлганлар сафини космосга биринчи бўлиб парвоз этган космонавтлар тўлдирдилар. Жаҳоннинг биринчи космонавти Юрий Гагарин космонавтлардан биринчи бўлиб ана шу олий мукофотга сазовор бўлди. [Агар у ҳозир ҳаёт бўлганида 50 ёшини нишонлаган бўларди: у Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони таъсис этилган йили дунёга келган эди]. Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлганлар ичида жаҳонда биринчи космонавт аёл Валентина Терешкова ҳам бор. [Ўтган ярим аср ичида шахсий матонатда эркаклардан асло қолишмайдиган юзга яқин хотин-қизлар Совет Иттифоқи Қаҳрамони бўлдилар].

...1923 йилда Аляска қирғоқларида Дания кемаси ҳалокатга учради. Фақат биргина киши — матрос Шамкингни қутқаришга муваффақ бўлинди. Орадан кўп йиллар ўтгач, у челюскинчилар жасоратининг барча тафсилотларини билгандан кейин шундай деди: «Шундай қаҳрамонлари бор мамлакатга ҳавасинг келади, шундай Ватани бор қаҳрамонларга ҳавасинг келади». Бу сўзлар бутун дунё газеталарида босилиб чиқди.

Юрий КОРОЛЕВ (АПН).



• *Фарзандлар—оталар ҳақида*

ҲАМИША ДИЛИМИЗДА

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ РАССОМИ ИСКАНДАР ИКРОМОВ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА

Ҳар биримиз учун яқин кишимиз ҳақидаги хотиралар азиз ва мўътабар. Айниқса, оталар ёки фарзандларга бир умр ҳамроҳ бўлади. Мен ҳам отамни эслаганимда унинг самимий суҳбатлари, вазмин нутқи, майин табассуми, самимий ва синчков нигоҳи кўз ўнгимда намоён бўлади.

У кўпинча баҳор ёмғиридан кейин пешайвонда ўтириб, турли хил кўриниш касб этувчи булутларга узоқ вақт тикилишни яхши кўрарди. Бу албатта, вақтни бекорга ўтказиш эмасди, дам олиш ёки томоша ҳам эмасди, балки ўраб турган борлиқ рангларини бойлигини ижодий ўзлаштириш эди. Кейин эса бу жараён стол устида олиб бориладиган нозик, кўп соатли, кўп кунли иш устида давом эттирилади. Янги-янги эскизлар, рангдор нақшлар туғиларди. Табиат ранглари энди қоғозда қайта жонлантирилади. Кейинроқ отам ўзининг бу бадиий график асарларидан китоблар, альбомлар ва бошқа нашрларни безашда фойдаланарди.

У айниқса, тоғларга чиқишни яхши кўрарди. Албатта ўзи чиқмас, балки оила билан, биз — болалар билан борар эди.

У билан биргаликда биз ҳам оппоқ тоғлар, гуллаётган боғлар, афсонавий шаршараларни завқ билан томоша қилардик. Ўзимиз сезмаган ҳолда табиатни ва оламни чуқурроқ, ҳаяжон билан қабул қилишга ўрганиб борардик.

Табиат билан мулоқот инсонни руҳий жиҳатдан бойитади, уни самимийроқ, покиза бўлишга ундайди. Эндиликда эса орадан йиллар ўтгач, биз отамизнинг энг яхши инсоний фазилатларни, эстетик дидни мажбуран эмас, балки бутун ҳаёти давомида кунмакун сингдириб борганлигини англаб етдик.

Отам меҳнатсевар, талабчан, самимий инсон эди. У ўз ҳулқ-атвори, юриш-туриши билан бизни ҳам ана шу фазилатларни ўзимизга сингдиришга ундарди. Унинг иш столида ҳар бир буюм фақат ўзигагина белгиланган жойда турарди.

Кечқурун қисқа муддатли дам олишдан кейин отам ўз иш столига ўтириб, бутунлай ижод оламига шўнғиб кетарди.

У ўз ишига жуда катта талабчанлик билан ёндошарди. Гоҳо битта мавзуда ўнтагача эскиз чизарди. Сўнгра уларни узоқ вақт кўздан кечирар, бир-бирига қиёслар, тузатишлар киритар ва ниҳоят охирги вариантни танлаб оларди.

Отам Алишер Навоийнинг ғазаллари тўплами устида ишлаган даврни бир умрга эслаб қолганман. Бу китобни Лейпциг Халқаро кўргазмасида намойиш этишга қарор қилинганди. Бу оқшомлар чиндан ҳам рассомнинг илҳомбахш меҳнати онлари эди. У ўнлаб китобларни ўқиб ва варақлаб чиқди, кўплаб эскизлар яратди. Чунки 40-йиллардаёқ Навоийнинг «Хамса», «Лайли ва Мажнун», «Афоризмлар», «Фарҳод ва Ширин» китобларига сурат ишлаган эди. Энди эса у ўша расмларни қайсидир шаклда такрорлашни истамасди. Бир томондан суратларда, нақшларда миллий руҳни сақлаб қолиш, имкони борича ғазалларнинг бадиий безакларини унинг мазмунига яқинлаштириш лозим бўлса, бошқа томондан китоб графикасининг замонавий ютуқлари услубидан ҳам кўз юммаслик керак эди. Алишер Навоийнинг ғазаллар китоби Халқаро кўргазмада юксак баҳога сазовор бўлди. Унинг безакларини бронза медали билан тақдирланди.

График рассомларнинг ёш авлодини тарбиялаш масаласи ҳамиша уни тўлқинлантириб келарди.

Республикамизда тасвирий санъатнинг келгуси тараққиёт йўллари ҳақида фикр юритар экан, у доимо рассом ҳаёт билан, замон билан бирга қадам ташлаши, ўз ижодини коммунистик бунёдкорлик ишига хизмат қилишга сафарбар этиши зарурлигини таъкидлар эди. Ўзининг бутун ҳаётини у ана шу мақсадларга бахшида этди.

С. БЎРИХОНОВА, В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети доценти, биология фанлари кандидати.

* * *

СУРАТЛАРДА: Искандар Икромов сурат ишлаган китоблардан намуналар.

О. Апухтин фотолари.







ҲОЙ КЎКЛАМ, ТЎХТА!

Мени далаларда кутади кўклам,
Илк бодом гулидан гулчамбар ясаб.
Кундан-кунга дала яшарар, кўркам,
Ва лекин боролмай қолдим, дил тусаб.

Мени адирларга чорлайди баҳор,
Чучмома, чечакдан поёндоз тўшаб.
Такрор отланаман, аммо ҳар сафар,
Чиқиб кетолмайман юмушдан бўшаб.
Мени яйловларга имлайди наврўз,
Умрнинг баҳорига бир ёш қўшдим, деб.
Табиат жамолин қилади кўз-кўз,
Оқ ҳарир пардадан юзни очдим, деб.

Мезбондек яшил қир очади бағрин,
Лола қадаҳларда тутаркан шароб.
Бугун қайга боқма очилар баҳринг,
Бу элнинг хушҳаво жойлари сероб.
Кўкламни қаршилаб чиқаман дея,
Аҳъоргa шудрингдан қўяман нуқта.
— Кўклам қани, дўстим!
— Ҳозир кетди-я!
— Аттанг, кечикибман, ҳой кўклам, тўхта!



ОБИДА

Само бирла мақбара туташиб кетган қарангғи
Ҳаворанг бўёғидан гўё осмон олмиш ранг.
Ҳайратланиб турардим боболар қдрокига
Таъзим бажо қилардим бунёдкори ҳокига.
Марҳумни тавоб этмоқ ахир, гуноҳ саналмас,
Фақат номард, ғаразгўй, зўр санъатни тан олмас.
Етти мўъжиза бирин яратган камтар халқ бу,
Шўралаган ҳар ғишти ўзидек миқти, мангу.
Дарвеш кулоҳи мисол гумбаз узра ўйнар нур.
Дарвешсифат номаълум усталарга ташаккур.
Ҳар қалай, она — Ватан тупроғидан шу бино.
Қўли гул меъморларнинг меҳри-ла топган жило.
Фахрланиб қўяй бир, мен учун шудир шараф,
Шундай хаёл сурардим, Гўри Аммрга қараб.
Барот ИСРОИЛ.

Адиб ва таржимон

• *Кибриё Қаҳҳорова — 70 ёшда*



Кибриё Қаҳҳорова 40 йилдан кўпроқ вақтдан буён адабиётга сидқидилдан хизмат қилиб келади. Бу йиллар ичида у жаҳон адабиётининг энг яхши намуналарини ўзбек тилига таржима қилди, бир талай асарларни эса тожик тилига ўгирди. Л. Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» романи, Н. Гоголнинг «Ревизор» пьесаси [А. Қаҳҳор билан бирга], М. Горькийнинг «Она», «Менинг университетларим», С. Айнийнинг «Эски мактаб», А. Серафимовичнинг «Темир оқим», Г. Брянцевнинг «Газандалар уясининг тугатилиши» сингари асарлар таржимаси бунга мисол бўла олади. Абдулла Қаҳҳорнинг тўрт жилдли ҳикоя ва повестлари К. Қаҳҳорова таржимасида тожик тилида чоп этилди.

К. Қаҳҳорова яқинда ўзининг хотиралар китобини ёзиб тугаллади. Унда атоқли адиб Абдулла Қаҳҳор билан биргаликда кечган йиллар, ёзувчининг ижод лабораторияси, айрим асарларининг ёзилиш тарихи ҳақида мароқли ҳикоя қилинади.

Қуйида ана шу асардан бир парчани эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Кибриё ҚАҲҲОРОВА.

Унутилмас хотиралар

Ҳаётда энг яқин одаминг — устозинг, дўстинг, тўғрироғи умр йўлдошинг ҳақида хотира ёзишдан оғирроқ иш йўқ. Айниқса у киши ҳали тириклигидаёқ эл назарига тушган, совет адабиёти тараққиётига катта ҳисса қўшган Абдулла Қаҳҳордек талабчан, бир сўзли устоз бўлса, яна ҳам қийин. Минг андишага бораркансан. Бирга кечган умрнинг энг гўзал, унутилмас дақиқалари ҳақида бор гапни ёзсанг ҳам гўё ўз-ўзингни мақтагандек, устозинг шуҳратига ўзингни шерик қилиб кўрсатаётгандек бўлиб туюларкансан... Лекин начора? Умр ўтқинчи, қораланган қоғоз қолади. Очиғи мен Абдулла Қаҳҳор вафотидан кейин узоқ яшамасам керак деб ўйлаган эдим. Шукр, бу ёруғ оламда халқнинг меҳри, тасаллиси, ёру дўстларнинг далдаси, қолаверса Абдулла Қаҳҳордек сўз санъаткори билан кечган умримнинг нурли хотиралари мени шу ёшгача олиб келди. Мен ана шу хотираларни одамларга айтиб бериш, бир вақтлар келиб уларни қоғозга тушириш учун ҳам яшашим керак деб ўйлардим.

Мана, салкам йигирма йилдан бери ҳамроҳсиз, устозсиз, Абдулла Қаҳҳорсиз яшаб келяпман. Лекин шу давр мобайнида ҳамиша унинг руҳи, ундан қолган зариф хотираларнинг ёди бир сония бўлсин мени тарк этгани йўқ.

Гоҳо бирдан юрагим қисилиб кетади. Ўзимни қўярга жой тополмай қоламан. Устоз столига ўтираман. Чуқур ўйга чўмаман, кўзларимга ёш келади, бир оздан кейин бехтиёр жилмаяман. Хотиралар, қўл билан ушлагудек яқин хотиралар, айни пайтда нурли, завқ-шавқли бир ўтмиш... қаламга қўл чўзаман. Устоз қаламми. Оддийгина қалам. Бу қалам унинг қўлида ҳаракатга келиб, оппоқ қоғоз бетига сўз дурларини тўкар, мисли кўрилмаган мўъжизалар яратарди. Энди эса ўз соҳиби ҳақида хотира ёзмоқчи. Ёза олармикин? Йўқ, бўлмади. Қаламнинг салобати босди мени. Бу қаламни тутиш, уни ҳаракатга келтириш учун устознинг забардаст қўли, унинг жасорати ва маҳорати керакка ўхшайди. Бошқа қалам оламан. Ҳар қалай бир уннаб кўрайчи...

Уруш охирлаб борарди. 1944 йилнинг июль ойи. Мен ҳарбий кийим — лейтенант формасида қўй доктори Муҳтарама Ҳамидова (ҳозир у киши профессор) билан Ҳамза номли ўзбек Давлат академик театрининг Пушкин номидаги истироҳат боғи рўпарасида жойлашган биносига, Уйғун домланинг «Қалтис ҳазил» комедиясини томоша қилгани борган эдик. Томоша тугагач, шоир Ўткир Рашид оқарган чекка сочлари ўзига жуда ярашган, ўткир нигоҳли бир киши билан мени таништираркан:

— Бу киши ўзбек ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор бўладилар, — деди.— Абдулла акам фронтовик қизлар ҳақида китоб ёзмоқчилар...

Мен бу кишини дастлаб 1939 йилнинг баҳорида кўрган эдим. Ўша йиллари мен Сталинободда, Тожикистон Давлат нашриётининг бадиий адабиёт ҳамда болалар ва ўсмирлар адабиёти бўлимида бўлим бошлиғи вазифасида ишлар эдим.

Тожикистон комсомоли Марказий Комитети қошида болалар ва ўсмирлар адабиёти нашриёти ташкил этиш ниятида туғилиб қолди ва шу баҳона билан мен тажриба орттириш ниятида Тошкентга келган эдим. Тошкентда болалар ва ўсмирлар адабиёти нашриёти ўша даврда Ленинград кўчасида, ҳозирги «Гулнора» пойафзал магазинининг қаршисидаги каттакон бир ҳовлида жойлашган эди. Дарвозадан кирганда, чап томонда, директорнинг кабинети, унинг рўпарасида, ўнг томонда бошқа ходимлар ўтиришар, бўлим бошлиғи вазифасида шоира Зулфияхон ишлар эдилар.

Мен уч-тўрт кун Тошкентда бўлиб, Полиграфия базаси билан танишиб чиқдим. Ўзбекистон Давлат Нашриёти Усмон Юсупов кўчасида жойлашган эди.

Нашриёт ходимларидан бири, мўйлови эндигина сабза урган, қорачадан келган нозик йигит:

— Мен Комил Яшиннинг укаси бўламан, исмим Маъруфжон, — деб ўзини таништирди ва полиграфия комбинатини айланиб чиққанимиздан сўнг мени кузатиб қўйиш мақсадида эшиккача чиқди. Ташқарида, дарвоза олдида икки кишига рўпара келдик. Улар бизнинг олдимизга келиб салом беришди.

— Танишинг, бу киши бизнинг севимли ёзувчимиз Абдулла ака, булар Одил Раҳимий бўладилар, — деди Маъруфжон.

Ўша йиллари мен ўзбек адабиётидан фақат Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар»и билан «Меҳробдан чаён»ини ўқиган эдим, холос, шунинг учун бу киши қайси Абдулла эканини яхшироқ англамай қолган эдим. Шоир Ўткир Рашид таништирмаса, балки ҳозир ҳам танимас эдим, чунки 1939 йилга нисбатан бу киши анча ўзгарган, чекка сочлари хийла оқарган эди.

Муҳтарама Ҳамидова билан йўлимиз бошқа бўлгани туфайли хайр-маъзур қилиб, Абдулла Қаҳҳор билан бирга кўчага чиқдик.

Аста-секин трамвай бекатига келсак тумонот одам. У вақтларда такси, троллейбус, автобус деган гаплар йўқ, бирдан бир нақлиёт воситаси трамвай эди.

— Қаерда турасиз?— деб сўрадилар Абдулла Қаҳҳор.

Бир самарқандлик кампирнинг уйида яшашимни айтдим.

— Ҳеч қанча йўл эмас экан, Юринг, пиёда кетдик,— деб қолдилар.

Шу билан суҳбатлашиб пиёда юриб кетдик. У вақтлар мен ўзбек ёзувчиларининг асарлари билан яхши таниш эмас эдим, шунинг учун суҳбат мавзуи жуда чекланиб қолаётгандай эди.

— Қаерда хизмат қиласиз? — деб яна сўрадилар у киши.

Мен газетада таржимон лавозимида ишлашимни айтдим. Суҳбат мавзуи ўз-ўзидан шеъриятга келиб тақалди, ёшлигимда дадам ўргатган Бобо Раҳим Машрабнинг алифбосини айтиб бердим:

Эй «алиф» отингга қилдим
сарҳат топмай ибтидо,
«Бе» балойи доғи ҳажрнинг
дилга жо қилдим бугун.
«Те» тиловат қилғай эрдим
ояти рухсорини,
«Се» савобки хатми қуръон
иқтидо қилдим бугун.
«Жим» жамолингни кўрай деб
келдим, эй шоҳи жаҳон,
«Ҳе» ҳаётим борича жоно
дуо қилдим бугун...

Шу билан суҳбатнинг калити очилди қолди. Абдулла Қаҳҳор дарҳол қаерда таълим олганим, ўзим қаерлик эканим билан қизиқиб қолдилар. Мен Самарқандда ота-онам, укаларим борлигини, икки синглим Сталинободда олий мактабда таълим олаётганини айтдим.

— Сиз ҳақингизда китоб ёзишим шарт, агар рухсат берсангиз эртагаёқ учрашсак...

Мен уйимни кўрсатиб, бу таклифни қабул қилдим...

Шу билан Абдулла Қаҳҳор бўш пайтларида гоҳ Шайх Саъдий, гоҳ Мирза Бедил, гоҳ Умар Хайёмни кўтариб келиб, анча маҳалгача шеърхонлик қилиб ўтирадиган бўлдик. Кўпинча мен бисотимдаги рубоий, фардларни ўқиб берар эдим.

Шу орада мен кандидатликдан партия аъзолигига ўтдим ва дарҳол мени Ўрта Осиё ҳарбий округининг бўлимларидан бирига ишга олишди. Редакцияда фақат газета чиқадиган кечалари банд бўлсам, бўлимда кечалари ишлаш ҳамма учун қонун эди. Учрашиш имконияти ҳам энди чекланиб қолди. Баъзи-баъзида Максим Горький номидаги истироҳат боғида учрашар эдик.



• *Пойтахтимиз меҳмонлари — санъанага садоқат*

ТОШКЕНТДА ЛЕНИНГРАДДАГИ А. А. БРЯНЦЕВ НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЁШ ТОМОШАБИНЛАР ТЕАТРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ БОШЛАНДИ

Шу муносабат билан шаҳримизда театр артистлари ва унинг бош режиссёри, РСФСР халқ артисти, профессор З. Я. Корогодский иштирокида журналистлар учун матбуот конференцияси бўлди. Мухбиримиз унга бир неча саволлар билан мурожаат қилди.

— Зиновий Яковлевич, театрингиз тарихи ҳақида гапириб берсангиз?

— Театр 1922 йилда ташкил топган. Уни Александр Брянцев ташкил этган. Ўша вақтлар қийин, лекин ажойиб дамлар эди. Ўсканда янги жамиятнинг қурилиши ўткир масала бўлиб турарди ва энг асосий ғамхўрлик — болаларнинг истиқболи ҳақида эди. Театр ана шу масалани ҳал этишга сафарбар этилди. Чунки у ҳаётга қадам қўйётган ёш авлод билан доимо мулоқотда бўлиши лозим эди. А. А. Брянцев таърифича, ёш томошабинлар театри бу барқарор театр бўлиб, ёш авлоднинг саволларига, унинг эҳтиёжига жавоб беришга алоқадор эди. Бугунги кунда биз ўз вазифамизни авлодларни бирлаштириш, катталар ва болаларнинг ҳаётда умумий тил топишига ёрдамлашишдан иборатдир.

Шунинг учун ҳам спектаклларимиз энг ёш томошабинларга қаратилган бўлганлиги учун ҳам катталарга қизиқарли туюлди.

— Томошабинларимиз учрашадиган артистлар тўғрисида гапириб берсангиз.

— Барча ижодкорларимиз — Ленинград давлат театр, музика ва кинематография институтининг бўлими ҳисобланган театримиз қошида ишлаб турган театр мактаби — студиясида тарбия олишган. Уларнинг айримлари кино ёки телефильмлар орқали танилган бўлса, бошқалари ҳали кинода тушишга улгуришмаган, лекин айни чоғда, Ленинград томошабинларига, театр жамоатчилигига, биз гастролларда бўлган шаҳарлар томошабинларга яқиндан таниш. РСФСР халқ артисти, РСФСР Давлат мукофоти лауреати И. Соколова — уни Тошкент томошабинлари «Бемби», «Бонжур, жаноб Перро!», «Очиқ дарс» спектаклларида кўрадилар. РСФСР халқ артисти А. Шуранова томошабинларга «Уруш ва тинчлик» фильмида княгиня Мария Болконская, «Чайковский»да — «Фон Мекк» ва бошқа образлар орқали таниш. У театримизда «Донна Анна ҳузурида меҳмонда» спектаклида донна Анна, В. Шекспирнинг «Хатолар комедияси»да Адриану, «Ўзича ўйнаб юрган мушук» спектаклида аёл ролларида ўйнайди. РСФСРда хизмат кўрсатган артист, СССР Давлат мукофоти лауреати Н. Иванов кўпгина фильмларда, шу жумладан «Мангу даъват» кўп серияли телефильмда Иван Савельев образини яратиб шуҳрат қозонган. У театрда «Болалар, болалар, болалар», «Бемби», «Майдон атрофида», «Хатолар комедияси» спектаклларида қатнашади. Тошкент томошабинлари РСФСРда хизмат кўрсатган артистлар А. Хочинский, И. Шибанов, ёш санъат усталари А. Арефьев, А. Блок, В. Баранов, Н. Бровкова, Н. Майданюк, Л. Жвани, И. Овадис, Н. Шумилов ва бошқалар билан танишдилар.

— Коллектив қайси шаҳарларда гастролларда бўлган?

— Биз мамлакатимизнинг кўпгина шаҳарларида — Москва, Киев, Красноярск, Оренбург, Новосибирскдаги олимлар шаҳарчасида, Атоммашда, Саяно-Шушенский ГЭСида бўлганмиз. Болгария, Польша, Англия, Югославияга сафар қилганмиз. Ўтган йили Лионда бўлиб ўтган халқаро болалар ва ўсмирлар театрида қатнашдик.

— Спектаклларни кўрсатишдан ташқари театр коллективи яна қандай тадбирларни ўтказади?

— Биз Тошкент шаҳрида ўқитувчилар жамоатчилиги, студентлар халқ театрлари коллективлари, жангчилар, шахтакорлар, зарбдор қурилишлар ишчи ёшлари, мактаб ўқувчилари, шаҳар театр жамоатчилиги билан учрашиш ниятидамиз. Ҳар бир бундай учрашув Ўзбекистон ҳақидаги таассуротларимизни қизиқарли лавҳалар билан бойитади, бир умрга сақланиб қолади.

* * *

СУРАТДА: А. А. Брянцев номидаги Ленинград ёш томошабинлар театри коллективининг «Майдон атрофида» номли спектаклидан бир кўриниш. Адмирал — РСФСРда хизмат кўрсатган артист, СССР Давлат мукофоти лауреати Н. Н. Иванов, Павел Бестужев — артист И. В. Агеев.

А. Богданов фотоси.

МАДАНИЯТ ХАБАРИ

Ижодий учрашувлар

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишлаб, республика Композиторлар союзи пойтахтнинг бир қатор саноат корхоналарида республиканинг таниқли бастакор ва композиторлари авторлик кечалари ва ижодий учрашувларини ўтказмоқда. Ана шундай қизиқарли учрашувлардан бири яқинда Тошкентдаги заргарлик заводида бўлиб ўтди. Завод меҳнатчилари ҳузурида бўлган композитор Манас Левиевнинг авторлик кечасига Муқимий номидаги ўзбек Давлат музикали театри санъаткорлари, шунингдек, республикада хизмат кўрсатган артист Муҳаббат Шамаева ва бошқа хонанда, созандалар ташриф буюришди. Завод меҳнатчилари театр санъаткорлари ижросида Манас Левиев музикалари асосида саҳналаштирилган «Тошкентликлар», «Тошболта ошиқ», «Олтин кўл», «Тошкентнинг нозанин маликаси» каби спектаклардан саҳналар томоша қилишди. М. Шамаева композиторнинг кинофильм учун ёзган қўшиқларини ижро этди.

Редактор Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

3 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

17 АПРЕЛЬ, 1984 й.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
182-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1984-85 ЎҚУВ ЙИЛИГА
қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти шаҳар қурилишларида ишлаш учун қуйидаги касблар бўйича юқори малакали ишчилар тайёрлайди: ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИ, СУВОҚЧИ-БЎЁҚЧИ, БЎЁҚЧИ, ДУРАДГОР, АВТОСЛЕСАРЬ.

Ўқиш муддати — 1—2—3 йил.

Узоқдан келганларга ётоқхона берилади.

БИЛИМ ЮРТИГА 15 ВА УНДАН ЮҚОРИ ЁШДАГИ 8-10 СИНФНИ БИТИРГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртини битирганларга диплом берилади ва улар қурилиш бошқармасига ишга юборилади. Билим юртини аъло ва яхши баҳолар билан битирганларга олий ўқув юртларига йўлланма берилади.

Ўқиш даврида ўқувчилар 3 маҳал иссиқ овқат, кийим-бош ва ишлаб чиқариш давридаги иш ҳақининг 50 проценти билан таъминланадилар.

10 синфни битирганлар 30 сўм стипендия оладилар. Совет Армиясини битириб келганлар 60 сўм стипендия оладилар.

Ўқиш даври узлуксиз меҳнат стажига киради.

Билим юртини битирганларга «Ташпромстрой» бошқармасига йўлланма берилади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш керак: билим юрти директори номига ариза, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома (ёки паспорт), маълумоти ҳақидаги гувоҳнома, турар жойидан справка, 6 дона фотосурат (3х4 см.). соғлиғи тўғрисидаги справка (286-форма).

Аризалар ҳар куни соат 9 дан соат 17.00 гача қабул қилинади.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Багратион кўчаси, 4-уй. Телефон 64-18-41. (17-автобуснинг «12-турар жой шаҳарчаси; 13-трамвайнинг 2-«Шимолий-Шарқ» бекатлари).

СОТУВЧИЛИК КАСБИНИ ТАНЛАГАНЛАРНИ

ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИ ҚОШИДАГИ СОТУВЧИЛАР ТАЙЁРЛАЙДИГАН
6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА
ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ

Курсларга 8—10 синф ҳажмида маълумотли, 17 ёшдан 25 ёшгача бўлган тошкентлик қизлар қабул қилинадилар.



Қабул қилинганларга ҳар ойда 54 сўмдан 63 сўмгача стипендия берилади.

Курсларни тугатганлар саноат моллари кичик сотувчиси малакасини эгаллайдилар. Улар иш билан таъминланадилар.

Курсларга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, 3х4 см. ҳажмда 2 дона ва 6х9 см. ҳажмда 2 дона фотосуратлар, агар бўлса меҳнат дафтарчаси, паспорт.

Кирувчилар Фрунзе савдо маркази кадрлар бўлимига мурожаат қилсинлар. 55-52-89 телефони орқали справкалар олиш мумкин.

ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИ (телефон 55-52-89).

ҲАР ҚАНДАЙ УЙ БЕКАСИ СОВУННИ ҚУРУҚ ВА ОРАСТА САҚЛАЙДИГАН АЖОЙИБ ИШЛАНГАН СОВУНДОННИНГ ҚАДРИГА ЕТАДИ.



Бу совундон ўзининг ҳаволи мустаҳкамлагичи туфайли ойнада, кафелда, пластикада маҳкам ўрнашиб туради.

Ҳаволи маҳкамлагичли магнитли совундон 85 тийин туради. Уни шаҳарнинг барча хўжалик моллари магазинларидан сотиб олиш мумкин.

«УЗХОЗТОРГ»НИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЛАРАРО БАЗАСИ (телефон 96-07-12).

«ТАШГАЛАНТЕРЕЙТОРГ»нинг
2-МАГАЗИНИДА
(Навоий кўчаси, савдо растаси)

17-19 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ
МАМЛАКАТИМИЗ САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН
ПАРДАБОП ГАЗЛАМАЛАРНИНГ
САВДО-КЎРГАЗМАСИ
ЎТКАЗИЛАДИ



САВДО-КЎРГАЗМ А С И СУҲБАТИДА—19 АПРЕЛДА ХАРИДОРЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ ЎТКАЗИЛАДИ.

«ТАШГАЛАНТЕРЕЙТОРГ» (телефон 53-51-28).

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-24).

Тошкент шаҳар ижроия комитети савдо бош бошқармасининг
«ЁШЛИК» МАКТАБ-МАГАЗИНИ
контролёр-кассирлар тайёрлайдиган
6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА
ва озиқ-овқат молларининг кичик сотувчиларини тайёрлайдиган
4 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Курсларга 8—10-синф ҳажмида маълумотли, 16 ёшдан 25 ёшгача бўлган тошкентлик қизлар ва йигитлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

Ўқувчиларга ҳар ойда 50 сўмдан 64 сўмгача стипендия берилади.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Ўқувчилар бир вақтнинг ўзида кечки мактабда ёки савдо техникумида ўқишлари мумкин.

«Ёшлик» мактаб-магазинини тўғатганлар йирик магазинларга ишга йўлланма билан юбориладилар ва уларга Совет савдоси техникумининг кечки бўлимига кириб ўқишлари учун имтиёзлар берилади.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Кафанов кўчаси. 65-уй (1, 2, 5, 8, 9, 10, 24, 26-трамвайлар; 2, 3, 22, 39, 80-автобусларнинг «Госпиталь бозори» бекати). 55-75-15 телефони бўйича справкалар олиш мумкин.

ПАРЧА ТАНТАНАЛИ ЛИБОСЛАР КЎРКИ

Олтин ва кумуш суви югуртирилган ип билан тикилган газламалар мана бир неча юз йиллардан буён инсон диққатини жалб этиб келмоқда.

XVI асрдаёқ Россияда ғоятда виқорли ва салобатли либослар тикиладиган бу қимматбаҳо матонинг дастлабки метрлари тўқиб чиқарилди.

Бугунги кунда ҳам байрамона чарақлаб турадиган, ўзига хос жозибали нақш билан тикилган парча барчага манзур бўляпти.

Парча матосидан тўйлар, юбилейлар, оқшомлар учун жуда ҳам муносиб либослар тикилмоқда.

СИЗ (Сурияда ишлаб чиқарилган) НАҚШИН ГУЛ СОЛИНГАН ҚУЛРАНГ, ҚИРМИЗИ, НИМ ПУШТИ, ОҚ РАНГЛИ ПАРЧАЛАРНИ



«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ»НИНГ МАГАЗИНЛАРИДАН

СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН

МАГАЗИНЛАР АДРЕСЛАРИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:

6 — Марказ-14 квартали, Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспекти. иш соатлари — 10.00 дан 19.00 гача;
7—Олмазор кўчаси, 169-«а» уй, иш соатлари — 10.00 дан 19.00 гача;
10 — Олой бозори, иш соатлари — 9.00 дан 19.00 гача.
19—Октябрь бозори, иш соатлари — 9.00 дан 19.00 гача
34 — Октябрь бозори, иш соатлари — 10.00 дан 19.00 гача.

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ» (телефон 78-72-42).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-24)

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг
206-ШАҲАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1984—85 ўқув йили учун
қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

АВТОКРАНЧИ («С» категорияли ҳайдовчи ҳуқуқини олиш билан бирга 3-класс), автомашиналар ремонти бўйича СЛЕСАРЬ, БУЛЬДОЗЕР МАШИНИСТИ, СКРЕПЕР МАШИНИСТИ, ПРИЦЕПЛИ ГРЕЙДЕР МАШИНИСТИ, СУВОҚЧИ-БЎЁҚЧИ, ДУРАДГОР, СЛЕСАРЬ-САНТЕХНИК, ЭЛЕКТРОКАРА ҲАЙДОВЧИ.

Билим юртига 8—10-синф ҳажмида маълумотли 15 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар ҳамда Совет Армияси сафида мажбурий хизматни ўтаб қайтган йигитлар қабул қилинадилар.

Ўқиш муддати — 3 йил ва 1 йил.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Слесарь-сантехник, дурадгор (ўқиш муддати 1 йил) ихтисослари бўйича ўқишга кирганларга ҳар ойда 65 сўмдан стипендия берилади. Бошқа мутахассисликлар бўйича ўқишга кирганларга эса ҳар ойда 30 сўмдан стипендия тўланади.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларга иш ҳақининг 50 проценти тўланади.

Билим юртида 3 йил ўқийдиганлар кунига 3 маҳал овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Билим юртини битирганларнинг ҳаммаси В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга юбориладилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топшириши лозим: билим юрти директори номига ёзилган ариза, ўрта маълумоти тўғрисидаги аттестат ёки 8-синфни тугатганлиги ҳақидаги гувоҳнома, характеристика, 286-формадаги медицина справкаси, турар жойидан справка, 4х5 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат.

Ариза ва ҳужжатлар ҳар куни (якшанбадан ташқари) **соат 9 дан 17.00 гача қабул қилинади.**

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Октябрь райони, Хуршид кўчаси, 83-уй (44, 48, автобуслар, 10-троллейбус, 10, 23, 27-трамвайларнинг «Лабзак» бекати). Телефон 41-38-22.

АГАР СИЗ ТОШКЕНТ ПОЙАФЗАЛ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИДА ТИКИЛГАН ОЁҚ КИЙИМИНИ ҚИЙСАНГИЗ

МОДА БИЛАН БИРГА ЮРАСИЗ



Чиройли туфлилар, полуботинкалар, сандалетлар — безакланган, енгил ва кийиб юриш учун қулайдир.

Бу пойафзалларнинг ҳаммаси бирлашмада ишлаб чиқарилган.

Уларни шаҳримиздаги пойафзал магазинларидан ва «Ўзбекистон» фирма савдо бирлашмасининг 4-магазинидан сотиб олишингиз мумкин.



ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ ЛОЙИҲА КОНСТРУКТОРЛИК-ТЕХНОЛОГИК БЮРОСИ (телефон 41-54-21).

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-24).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг
ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИ 243-ЗАВОДИ ҲУЗУРИДАГИ 121-АВИАРЕМОНТ ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1984-85 ўқув йили учун
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ

Учиш аппаратлари ремонти бўйича слесарь, авиа двигателлари бўйича слесарь, учиш аппаратларн ускуналари бўйича электромонтажчи, механика йигув ишлари бўйича слесарь, токарь, газэлектр пайвандчи.

8-синф ҳажмида маълумотлилар 3 йил, ўрта маълумотлилар эса 1 йил ўқийдилар.

Билим юрти юқорида кўрсатилган ихтисослар бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлайди.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 15 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ ТОШКЕНТЛИК ВА ТОШКЕНТ АТРОФИДА ЯШОВЧИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Билим юртини тугатганлар граждан авиацияси 243-авиаремонт заводида ва граждан авиацияси Ўзбекистон бошқармаси бўлимларида ҳамда шаҳардаги бошқа корхоналарда ишлайдилар.

Билим юртини битирганлар отпуска даврида самолётда учиш учун имтиёзли билет ва граждан авиацияси ходимлари учун белгиланган бошқа имтиёзлардан фойдаланадилар.

3 йил ўқийдиганлар ўқиш даврида тўла давлат таъминотида бўладилар ва граждан авиацияси учиш формаси билан таъминланадилар.

1 йил ўқийдиганларга ўқиш даврида ҳар ойда 68 сўмдан 80 сўмгача стипендия берилади. Бошқа шаҳардан келган ўрта маълумотлилар ётоқхона билан таъминланадилар.

8-синф ҳажмида маълумот билан ўқишга кирганларга ётоқхона берилмайди.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар институт ва техникумларга ўқишга юборилади.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат, ўқиш жойидан характеристика.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (якшанбадан ташқари) СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Авиасозлар шаҳарчаси, (39, 25, 61, 66, 111 автобусларнинг «Авиасозлар шаҳарчаси», 20, 10-трамвайларнинг «Транспорт институти» бекатлари). Телефонлар: 99-94-50, 99-96-93, 99-96-46.

ТВ

сешанба

17 АПРЕЛЬ

● МТ I

18.15 «Ўғлим — курсант». «Оила ва мактаб тўғрисидан.
18.45 «Футбол шарҳи».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Ишлар ва одамлар».
20.00 «Хатларни кутинг». Бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.00 Хоккей бўйича СССР чемпионати. МАСК — «Спартак».
24.00 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
19.50 —20.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.00 «Кеча келибоқ...» Телевизион бадиий фильм.
23.10 «Хатларингиз асосида». Мусиқали кўрсатув.
24.00 Стол тенниси бўйича Европа чемпионати.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.20 Ўсмирлар учун. «Тенгдош» (рус.).
19.00 «Куйловчи Чимён». Эстрада программаси (такрорий).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Рассом Рўзи Чориев». Ҳужжатли фильм премьераси («Ўзбектелефильм»).
20.00 ЎзССР Министрлар Совети совғини учун теннис бўйича IV Халқаро турнирнинг очилиши. «Динамо» теннис стадионидан репортаж (ёзиб олинган).
20.30 «Ахборот».
20.50 Санъат усталари ижросида классик халқ қўшиқлари.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Экиш мавсуми кундалиги».
22.20 Н. Думбадзе. «Абадият қонуни». Видеофильм. 2-қисм.
23.35 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 Ўқитувчи экрани.
18.40 Телефильм.
18.50 «Баҳор нашидаси». Адабий кўрсатув.
19.20 «Ҳар бир корхонага — ёрдамчи хўжалик».
19.50 Телефильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 Ўқув программаси.
20.50 «Сенинг кунинг жилоси», «Бир қарич ер». Телефильмлар.
21.30 МТ II

чоршанба

18 АПРЕЛЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Лениндан ўрганамиз». 1-кўрсатув.
10.10 «Концертино» қадимий куйлар ансамбли чалади.
10.45 «Хатларни кутинг». Бадиий фильм.
12.15 «Саёҳатчилар клуби».
13.15 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Сенинг тупроғинг». Телефильм премьераси.
16.10 Бутунроссия ва Бутуниттифоқ конкурсларининг лауреати Ш. Амиров чалади (балалайка).
16.35 «Экологик кундалик».
16.55 Д. Кабалевский. Виолончель ва фортепьяно ижроси учун соната.
17.25 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.05 «Қадимий Кампучиянинг қайта туғилиши». Киноочерк.
18.35 «Фан ва турмуш».
19.05 Мультфильм.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Спорт ҳафталиги».
20.00 Халқ хорларининг II Бутунроссия кўриги. Сибирь Давлат рус халқ хорининг чиқиши.
20.40 «Ҳужжатли экран».
21.30 «Время».
22.00 Футбол бўйича халқаро учрашув. СССР—ЧССР терма командалари. Танаффус пайтида — «Агар соғлом бўлай десанг».
24.00 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15—9.35 «Боғ ярат». Телефильм.
12.05—12.40 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
15.05 «Совет монументал ва портрет ҳайкалтарошлиги».
15.35 «Драматургия ва театр». А. П. Чехов. «Ваня тоға».
16.20 «Москва бўйлаб саёҳат» туркумидан телевизион ҳужжатли фильмлар: «Ленин проспекти», «Яуза ортидаги йўл».
17.00 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.50 Халқ куйлари.
19.05 «Кўплаб сифат» танловидан етказиб берайлик».
19.35—20.30 «XX аср сеҳрига қатнашчилар». Телеконцерт.
20.45 «Қўшиқ бизга қанот роҳ». Киноконцерт.
21.30 «Время».
22.00 «Овулим кишилари» серияли телевизион фильм премьераси. Шаҳодаевнинг «Кадрлар» романи асосида. Сценарий.
23.10 «Поэзия». А. Жаров.
23.45 Стол тенниси бўйича чемпионати.

● УзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Оқ ёл ҳақида кино» телевизион бадиий фильм (рус.).
11.30 Ўқув программаси.
12.00 «Сўз кетидан сўз». Рус тилида сўзлашишни ўргатиш.
12.30 Ўқув программаси.
13.00 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.15 Кўғирчоқ фильм.
18.30 «Тенгдошларинг ижодиёти — сафгаги» спектакл — сафгаги металлургия заводида прокат стани (рус.).
19.00 «Ахборот» (рус.).
19.30 «Халқ оғзаки ижодидан бахши.
19.45 «Ахборот».
20.30 «Бу гулшан соз экан...» Ҳоқов, М. Орипов, Ғ. Пўлатов.
20.50 «Бугун оламда нима янгилик». Халқаро аҳвол кўзгуси.
21.30 Москва. «Время».
22.00 Н. Думбадзе. «Абадият қонуни». Видеофильм.
22.15 Н. Думбадзе. «Абадият қонуни». Видеофильм. 2-қисм.
23.40 Янгиликлар.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг ортопедия ва физиотерапия илмий-тадқиқот институти коллективи клиника бошлиғи, тиббиёт фанлари доктори Д. Ғ. Ғуломова отаси

Ғулом МУҲАМЕДОВнинг

вафот этганлигини муносабати билан чуқур таъсир изҳор қилади.

Октябрь райпишчетрест коллективи кекса ходим, магазин мудири, меҳнат фахрийси

Жўра ТЎЛАГАНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумни оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

4 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

ВИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-53-32; шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

17 АПРЕЛЬ, 1984 й. Р—10182. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11